

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил март ойининг 28-куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, суд раиси Б. [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси Б. [REDACTED] котиблигида, томонлардан Яшнобод туман прокурорининг ўринбосари Л. [REDACTED], судланувчи И. [REDACTED] ҳамда унинг ҳимоячиси адвокат М. [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] 1-1009-2401/[REDACTED]-сонли жиноят иши кўриб чиқилди, иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]
туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг “1-Автобус саройи” филиалида автобус ҳайдовчиси, муқаддам судланмаган,
[REDACTED]

[REDACTED], ушбу жиноят иши бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар, ва фуқаровий даъвогарларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг “1-Автобус саройи” филиалига тегишли “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 076 НКА бўлган автобусни Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси бўйлаб, Бектемир шох кўчаси томонга 35 км/соат тезликда бошқариб кетаётганида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди 1-қисми, 77-банди 1,3-қисмларида белгиланган, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишга хавф туғдирмаслиги керак, ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатни, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариш керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф



туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоидаларга риоя қилмасдан, автобус руль бошқарувини йўқотиб, Ҳ.Бойқаро кўчасида жойлашган “Давлат солиқ инспекцияси” биносининг қаршисида бўлган йўлнинг қатнов қисмининг ўнг томон чеккасидаги “бетон столба”га нисбатан тўқнашув содир қилган ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ушбу автобус йўловчилари турли хил тан жароҳатлари олганлар.

Судга оид тиббиёт экспертизанинг 2023 йил 14 сентябрдаги №6752-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, 24.08.2012 йилда туғилган, вояга етмаган [REDACTED] “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап ёноқ соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 14 сентябрдаги №6753-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра [REDACTED] кўз орбитаси пастки ва латериал деворини ёпиқ синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, кўкрак қафаси ва бел соҳаси ёпиқ жароҳати, кўкрак ва бел соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, ўнг томонлама 5-қовурғани ўрта ўмров чизиғи бўйлаб ёпиқ асоратсиз синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг оёқ бош бармоқ юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 14 сентябрдаги №6754-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] ўғлида “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг кўз атрофи юмшоқ тўқималари лат ейиши ва тери ости гематомаси ва эзилиб-йиртилган яраси, пешона соҳаси йиртилган яраси, ўнг кўл тирсак бўғими соҳаси шилинмаси” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 14 сентябрдаги №6755-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, юқориги жағ соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, юқориги жағ чапдан 1-тиши тож қисми синиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 22 сентябрдаги №6923-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, 02.04.2013 йилда туғилган, вояга етмаган [REDACTED] ўғлида “Ўнг тизза бўғими ва чап елка бўғими соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8658-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, 17.03.2012 йилда туғилган, вояга



етмаган [REDACTED] ўғлида “Чап ёноқ соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги [REDACTED]

“Бош энса соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8660-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8661-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] “Ўнг қўл 5-кафт суягини асосидан ёпиқ синиб силжиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8662-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] қош ва юқориги лаб соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, юқориги жағ ўнгдан 1-тиши ярим қоқилиб чиқиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 [REDACTED]

қизида “Бош энса соҳаси юзаки йиртилган яраси” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8664-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] “Чап ёноқ соҳаси юзаки йиртилган яраси” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 17 ноябрдаги №8665-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] бош энса соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 29 ноябрдаги №8989-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] қўл тирсак бўғими ва ўнг оёқ тизза бўғими соҳаси юмшоқ тўқималари лат



ейиши” каби тан жароҳатлари бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Судга оид трасология экспертизасининг 2023 йил 4 октябрдаги №29/17(8559)4.6Z/ [REDACTED]-сонли хулосасига кўра, “YUTONG” русумли давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобуснинг кузов қисмида жойлашган техник шикастланишлар кўзгалмас тик ҳолатдаги бетон симёғочга (столбага) урилиши натижасида юзага келганлиги аниқланган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 2023 йил 6 октябрдаги №29/15(8558)13.2Z/ [REDACTED]-сонли хулосаларига кўра, “YUTONG” русумли давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобуснинг руль бошқаруви, тормоз тизими ва юриш қисми техник жиҳатдан ишга яроқли ҳолатда бўлганлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2023 йил 6 октябрдаги №29/18(8560)6.1Z/14901-сонли хулосасига кўра, “YUTONG” русумли давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобуснинг олд томон бампери, олд ўнг томон эшиги ва қанотида бошқа транспорт воситасига тегишли бўлган лок-бўёқ материалларининг ва қопламаларининг излари мавжуд эмаслиги аниқланган.

“PROFI DAMAGE VALUATION” МЧЖнинг 2024 йил 10 февралдаги №02-159-24У/АМТС-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра, “YUTONG” русумли давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусга 51.482.970 сўм миқдоридан моддий зарар етказилган, зарарни баҳолатиш учун баҳолаш корхонасига 500.000 сўм миқдорда тўлов амалга оширилган.

“Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонасига тегишли бир дона “бетон столба”га ушбу йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 5.846.852 сўм миқдоридан моддий зарар етказилган.

Судланувчи И [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда бошқарувидаги “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 076 НКА бўлган автобусда тахминан 17-18 нафар йўловчилар билан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси бўйлаб, [REDACTED] 35 км/соат тезлик билан ҳаракатланиб, ушбу кўчада жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг қаршисига келган вақтида қайсидир йўловчидан пул олаётганида эҳтиётсизлиги оқибатида чалғиб қолиб, руль бошқарувини йўқотиб, йўлнинг ўнг томон четида турган бетон тўсиқ (столба)га урилганлигини, шунда ушбу тўқнашув натижасида автобус ичидаги унга кейинчалик маълум [REDACTED]

[REDACTED] тиббий ёрдам хизматига хабар берганлигини, бироздан сўнг, тез тиббий ёрдам хизмати келиб тан жароҳати олган йўловчиларни Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг қабул бўлими ва бошқа



шифохоналарга олиб кетишганлигини, бироздан сўнг ЙТХ жойига ЙҚХБ ходимлари келишганлигини ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг чизма ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, ҳозирда эҳтиётсиз натижасида содир қилган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ҳамда “Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонасига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, “YUTONG” русумли давлат рақами 01 076 НКА бўлган автобусни таъмирлаш харажатларини тўлиқ қоплаганлигини, лекин таъмирлаш ишларининг 90 фоизи бажарилиб, таъмирлаш ишларининг 10 фоизи қолганлигини, оиласида ёлғиз боқувчи бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини эътиборга олиб, жазодан озод қилишни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи вояга етмаган [REDACTED] қонуний вакили У [REDACTED] суд мажлисида, 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда 02.04.2013 йилда туғилган ўғли [REDACTED] “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 076 НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида унга “Ўнг тизза бўғими ва чап елка бўғими соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан уларга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. [REDACTED] нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д. [REDACTED] суд мажлисида, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида унга “Ўнг кўз орбитаси пастки ва латериал деворини ёпиқ синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, кўкрак қафаси ва бел соҳаси ёпиқ жароҳати, кўкрак ва бел соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, ўнг томонлама 5-қовурғани ўрта ўмров чизиғи бўйлаб ёпиқ асоратсиз синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг оёқ бош бармоқ юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. [REDACTED] нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар С. [REDACTED] суд мажлисида, у “Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонасида юрист лавозимида ишлашини, 2023 йил 7 сентябрь куни Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида “ [REDACTED] ” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобус иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида



“Тошшаҳарнур” давлат унитар корхонасига тегишли бир дона “бетон столба”га 5.846.852 сўм миқдориди моддий зарар етказилганлигини, ҳозирда ушбу моддий зарар судланувчи И. [REDACTED] томонидан тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. [REDACTED] нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ф. [REDACTED] суд мажлисида, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлигини, бунинг натижасида унга “Бош энса соҳаси юзаки йиртилган яраси” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х. [REDACTED] суд мажлисида, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлигини, бунинг натижасида унга “Чап ёноқ соҳаси юзаки йиртилган яраси” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. [REDACTED] нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Р. [REDACTED] суд мажлисида, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлигини, бунинг натижасида унга “Бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. [REDACTED] нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи У. [REDACTED] суд мажлисида, у 2023 йил 7 сентябрь куни соат 17:27ларда “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 [REDACTED] НКА бўлган автобусда йўловчи сифатида кетаётганида Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлигини, бунинг натижасида унга “Ўнг қўл 5-кафт суягини асосидан ёпиқ синиб силжиши” каби тан жароҳатлари етганлигини, ҳозирда судланувчи И. [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ



қоплаганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, И. ██████████ нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатилишини сўраб, кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Ж. ██████████ суд мажлисида, у “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг “1-Автобус саройи” филиалида бош муҳандис лавозимида ишлашини, 2023 йил 7 сентябрь куни Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир шох кўчасида жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси биносининг ёнида “YUTONG” русумли, давлат рақами 01 ██████████ НКА бўлган автобус иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида, юқоридаги автобустга 51.482.970 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлигини, ҳозирда ушбу моддий зарар судланувчи И. ██████████ томонидан тўлиқ қоплаганлигини, лекин таъмирлаш ишларининг 90 фоизи бажарилганлигини, судланувчи И. ██████████ нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи И. ██████████ айби: йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, йўл-транспорт ҳодисаси бўлган жойни чизмаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ҳамда унга илова қилинган фотожадвал, судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосалари, судга оид трасология экспертизасининг хулосаси, судга оид автотехника экспертизасининг хулосаси, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан И. ██████████ транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 7-сонли, 2014 йил 23 майдаги 08-сонли, 2015 йил 26 июндаги 11-сонли, 13 ноябрдаги 18-сонли, 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли, 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли, 2018 йил 19 майдаги 16-сонли, 2020 йил 19 декабрдаги 37-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 1-сонли қарорининг 2-бандида “Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасида - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг



очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин деб белгиланган.

Суд, юқоридаги Қонун ҳамда Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи И. [REDACTED] шахсини, яъни муқаддам судланмаганлигини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этганлигини, содир қилган жиноятини бўйнига олиб бу ҳақда арз қилганлигини, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берганлигини, келтирилган зарарларни бартараф қилганлигини инобатга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасига асосан тайинланадиган жазодан озод қилишни лозим топади.

Суд, шунингдек, жиноят иш ҳужжатларига қўшилган 1 дона CD-R дискни жиноят иш ҳужжатларида сақлашни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 462-463, 466-468, 472-473-моддалари талабларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED]
[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

И. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасига асосан тайинланадиган жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи И. [REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иш ҳужжатларига қўшилган 1 дона CD-R диск жиноят иш ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят қилишга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б. [REDACTED]

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

